

**ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**«НАМКORBANK» АТБ**  
**кенгашининг қарори билан**  
**09.09. 2016 йилдаги**  
**21 - сонли баённомасига кўра**

---

**Йиғилиш раиси**  
**И. И. Ибрагимов**

**«НАМКORBANK» АТБ НИНГ ДИВИДЕНД**  
**СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

## **"Hamkorbank" ATBning dividend siyosati tўғrisidaги НИЗОМИ**

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	2
2.	ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ПРИНЦИПЛАРИ .....	2
3	ДИВИДЕНДЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА МИҚДОРЛАРИ .....	3
4	ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	3
5.	ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ .....	4
6.	БАНКНИНГ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ .....	5

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1 Ушбу "Hamkorbank" ATB ning хорижий капитал иштирокидаги дивидендлар сиёсати тўғрисидаги Низоми (бундан буён матнда - Низом) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунларга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ва қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (бундан буён матнда - Марказий банк) меъёрий ҳужжатларига, шунингдек, "Hamkorbank" ATB (бундан буён матнда - Банк) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Ушбу Низом Банк дивидендларни тўлаш, эълон қилиш тартиби, миқдори, шакллари ва тўлаш муддатлари юзасидан Банк сиёсатини акс эттиради.
- 1.3 Дивиденд сиёсати тавсия этиш характерини олиб боради ва Банк Кенгаши акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича ёндашувни аниқлашга мўлжалланган.
- 1.4 Дивиденд сиёсати Банкнинг ривожланиш Стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.5 Ушбу Низомни қабул қилиш билан биргаликда, Кенгаш Банкнинг стратегик ривожланиш режасини ҳисобга олган ҳолда ушбу дивиденд сиёсатини зарур бўлган ҳолда ўзгартириш мумкин деб ҳисоблайди.

### **2. ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ПРИНЦИПЛАРИ**

- 2.1 Банк дивиденд сиёсати Банкнинг умумий фойдасини бошқариш сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, у Банкнинг бозор қийматини максимал даражада ошириш учун талаб қилинувчи ва капиталланган қисмлари орасидаги нисбатни оптималлаштиришдан иборатдир.
- 2.2 Банк дивиденд сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардир:
  - дивиденд тўловлар миқдорини белгилашда Банк ва унинг акциядорларининг манфаатларининг мувозанати,
  - Банкнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, молиявий барқарорлиги, капиталлашуви ва ликвидлигини ошириш,
  - устав капиталини даромадлигини таъминлаш;
  - акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш ва уларнинг фаровонлигини ошириш.
- 2.3 Банк Кенгаши дивиденд сиёсати стратегиясини белгилашда Марказий банкнинг Банк капиталлашув даражасига нисбатан бўлган юқорилаган талабларини ҳисобга олади, бу Банкнинг молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигининг асосий омили ва кўрсаткичи ҳисобланади, Банк акциядорлари учун фаровонлик шаклланишининг асосий манбаи ва Банкнинг бозор қийматини асосий ўлчовидир.
- 2.4 Банк молиявий йилнинг **биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи** ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли ҳисобланади.
- 2.5 Банк соф фойданинг бир қисмини ўзининг ривожлантириш учун етарли маблағни тежаш имконини берган миқдордаги ҳажмда дивидендларни тўлаш учун йўналтиришни мақсад қилади.
- 2.6 **Дивидендлар тўланиши банкнинг молиявий-иқтисодий аҳволини сезиларли даражада**

ёмонлашишига олиб келса, дивидендлар тўланмайди. Ушбу Низомда акс эттирилган нормаларни ҳисобга олган ҳолда Банк акциядорлар олдида ушбу мажбуриятни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

### 3. ДИВИДЕНДЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА МИҚДОРЛАРИ

- 3.1 Банк соф фойдани тақсимлаш масалаларида тўлиқ иқтисодий мустақилликка эга ҳисобланади. Банкнинг баланс ва соф фойдаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда аниқланади.
- 3.2 Барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган соф фойда Банкнинг тўлиқ тасарруфига ўтади ва акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Банк захираси ва фондини тўлдириш учун йўналтирилади, Банк акциядорлари ўртасида дивиденд шаклда тақсимланади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда бошқа мақсадлар учун сарфланади.
- 3.3 Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан, шунингдек ўтган йилларда тақсимланмаган фойдалардан тўланади ва акциядорлар ўртасида уларда мавжуд бўлган тегишли турдаги (тоифадаги) акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 3.4 Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланишида, буни учун махсус мўлжалланган банк фондларидан ҳам тўланиши мумкин.
- 3.5 Дивидендлар ҳар бир акцияга пул суммаси билан ифодаланади. Бир дона оддий акция бўйича тўланадиган дивиденд миқдори, дивидендларнинг умумий миқдорини Банкнинг оддий акцияларига дивидендларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқиши мумкин бўлган миқдорга бўлиш йўли билан аниқланади. Ҳар бир имтиёзли акция учун дивиденд миқдори банк Уставига мувофиқ белгиланади.
- 3.6 Банкнинг қимматли қоғозлар билан имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўланишига йўл қўйилмайди.
- 3.7 Банк солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда дивидендлар миқдорини белгилайди. Акциядорларга дивидендлар тегишли бўлган солиқларни чегириб қолгандан сўнг тўлаб берилади. Тўланмаган ёки олинмаган дивидендларга фоиз ҳисобланмайди.

### 4. ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1 Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг Банк Кенгаши тавсиясига асосан қабул қилинади. Банк учун қутилмаган салбий ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Банк Кенгаши дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилмаслик учун Банк акциядорларининг Умумий йиғилишига таклиф бериши шарт.
- 4.2 Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи якунларига кўра дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 4.3 Дивидендларни тўлаш, дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби бўйича қарор Банк Кенгаши тавсияси асосида, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилиги бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдоридан кўп бўлмаслиги керак. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг айрим турлари бўйича дивидендлар тўланмаслиги, шунингдек Банк уставига дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлашнинг бошланиши ва тугаш санаси кўрсатилади.
- 4.4 Банк Кенгаши соф фойдани тақсимлаш бўйича Бошқарув томонидан тақдим этилган материаллар ва таклифларни кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда соф фойдани тақсимлаш бўйича тузатишлар киритади ва амалдаги қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Банк акциялари дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби тўғрисида якуний қарор қабул қилади.
- 4.5 Банк Кенгаши қуйидаги асосий принциплар асосида тўланувчи дивидендлар миқдорини белгилайди:
  - Банкнинг оддий акциялари бўйича Банкнинг капиталлашув даражасини ошириш учун йўналтирилган соф фойданинг устувор йўналишини ҳисобга олган ҳолда Банкнинг энг даромадли даврларида дивидендлар тўлаш кўзда тутилади;

- имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш Банк Уставида белгиландан миқдордан кам бўлмаган миқдорда, жорий йил якуни бўйича Банк фаолиятининг молиявий натижаларига қараб тўланади.

4.6 Банк қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

a. агар бундай қарор қабул қилинган кунда Банк тўловга лаёқатсизлик (банкротлилик) аломатларига эга бўлса ёки мазкур белгилар дивидендлар тўланиши натижасида Банкда юзага келадиган бўлса;

b. агар бундай қарор қабул қилинган кунда Банкнинг соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фондидан кам бўлса;

c. амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

## 5. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1 Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби банк уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.2 Дивидендлар тўлашда биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланади, кейин оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда, банк мазкур акция эгаларига дивидендларни тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

5.3 Фойда етарли бўлмаганда ёки зарар кўриб ишлаётганда имтиёзли акциялар бўйича дивиденд Банк томонидан Банкнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонддаги мавжуд маблағлардан тўланиши мумкин.

5.4 Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорлар томонидан олинган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлашда қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.5 Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида масалани кўриб чиқиш мақсадида Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.6 Агар дивидендлар тўланган (ўтказилган) кунда дивидендлар мавжуд бўлган ёки Марказий банк меъёрий ҳужжатларида белгиланган мажбурий нормативларига риоя қилмаслик ҳолатлари юзага келса, Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу бандда кўрсатилган мавжуд ҳолатлар тугагач, Банк акциядорларга эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбурдир.

5.7 Банк ва унинг ижро этувчи органлари акциядорларга дивидендларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни таъминлайдилар. Дивидендлар тўлашда биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланади, кейин оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

5.8 Банк акциядорларга уларга тегишли бўлган акцияларга дивидендлар тўлашда солиқ агенти ҳисобланади. Банк амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ва муддатда дивидендлар миқдорини ҳисоблаш, чегириб қолиш ва ўтказишни амалга оширади.

- 5.9 Ушбу Низомда кўзда тутилган дивидендлар тўлашни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш банк ва унинг филиалларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлинмалари билан биргаликда акциядорлар ишини ташкил этиш ва олиб бориш учун масъул бўлган Бош Банкнинг қимматли қоғозларининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда амалга оширилади.
- 5.10 Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан дивиденд эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ёхуд унинг меросхўри томонидан даъво қилиб олинмаган дивиденд уч йил муддатг мобайнида банк тасарруфида бўлади.

## **6. БАНКНИНГ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

- 6.1 Банк ушбу Сиёсатни, шунингдек, унга киритилган ўзгартиришларни интернетдаги Банкнинг веб-сайтига жойлаштиради.
- 6.2 Банк уларга солинувчи солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда дивидендлар миқдорини эълон қилади. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Банкнинг расмий веб-сайтларида ва Тошкент РФБда тўланувчи дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.
- 6.3 Акциядор акция дивидендларини ҳисоблаш тартиби, дивидендларни тўланиши ва солиққа тортилиш тартиби ёки уларни тўлаш шартлари тўғрисида маълумот олиш учун Банкка мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Банк 10 (ўн) кун ичида акциядор сўровига жавоб тайёрлайди ва тақдим этади.
- 6.4 Акциядорлар Умумий йиғилишида қарор қабул қилиш учун акциядорларга тақдим этилувчи материалларда дивидендлар тўланиши учун зарур бўлган шартлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини кўрсатувчи барча зарур маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

Филиалларни бошқариш бўйича департамент бошлиғи	_____	А. Парпиев
Ғазначилик департаменти бошлиғи	_____	А. Хан
Бош бухгалтер	_____	Н. Иргашев
Ички назорат бошқармаси бошлиғи	_____	Х. Юлдашев
Юридик хизмат бошлиғи	_____	Қ. Тешабоев
Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи	_____	Ғ. Мирабдуллаев
Аҳоли омонатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи	_____	Ф. Худайбердиев
Рискларни бошқариш сектори бошлиғи	_____	Д. Мадрахимов
Стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш сектори етакчи мутахассиси	_____	О. Юсупов
Методология сектори мутахассиси	_____	Н. Исраилова

**ҲУКУКИЙ ХУЛОСА "Hamkorbank" АТБ Дивиденд  
сиёсати ҳақидаги Низом лойиҳаси юзасидан**

14.09.2016 йил

Андижон шаҳри

Мен, "Hamkorbank" АТБ Юридик хизмати ҳуқуқшуноси Б.С.Нуритдинов, "Hamkorbank" АТБ Дивиденд сиёсати ҳақидаги Низом (бундан буён матнда -"Сиёсат" деб юритилади) лойиҳасини ҳукукий экспертизадан утказганимда.

**А Н И Қ Л А Н Д И :**

Мазкур муносабатлар Узбекистон Республикасининг "Марказий банк тугрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тугрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисидаги, "Hamkorbank" АТБ Устави ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Низом лойиҳасида юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари талабларига зид нормалар қузатилмади.

Шунинг билан бирга, лойиҳа матнини "Hamkorbank" АТБ да Ички маъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари мувофиқлаштириб расмийлаштириш лозим бўлади. Жумладан, қоидаларнинг Ш-булимига мувофиқ; булимларни рақамлашни қоидага мувофиқ қилиш лозим.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, Сиёсат лойиҳасига тегишли узгартиришлар киритилгандан сунг, бошқа таркибий тузилмалар томонидан қуриб чиқилиши мумкин, деб ҳисоблайман.

**"Hamkorbank" АТБ  
ҳуқуқшуноси**

**Б.Нуритдинов**

## **ЮРИДИЧЕСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

**ведущего юриста юридической службы И.Салиджанова по проекту Положения об информационной политике АКБ “Hamkorbank”**

05 июля 2016 года

город Андижан

Я, ведущий специалист юридической службы АКБ “Hamkorbank” И.Салиджанов, при проведении юридической экспертизы Положения об информационной политике, определены следующие.

Настоящий нормативный документ разработан на основании закона Конституции Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», «О банках и банковской деятельности», «О рынке ценных бумаг», «О коммерческой тайне», «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», «Об обращениях физических и юридических лиц».

В процессе изучения настоящего внутреннего нормативного документа наличие норм, противоречащих требованиям вышеупомянутого нормативно-правового документа не наблюдалось.

Однако, из-за того, что порядок изложен на русском языке в АКБ “Hamkorbank” в соответствии с пунктом-3.4 правил составления и принятия внутренних нормативных документов, по причине того, что текст внутреннего нормативного документа на государственном языке считается приоритетным, необходимо подготовить текст Положения на государственном языке.

На основании изложенных данный порядок может рассматриваться другими структурными подразделениями банка.

**ведущего юриста юридической службы  
АКБ “Hamkorbank”**

*подпись*

**И.Салиджанов**

*/штамп:*

*внутри штампа: Акционерно-коммерческий банк «Hamkorbank» с участием  
иностранного капитала  
«Зарегистрирован»  
в секторе «Методологии»  
№ 09-2/4 ОФД  
29.09.2016 год/*